YAZEKS

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ҳурматли ИСЛОМ КАРИМОВни
ҳукуматини,
истеъдодли ва меҳнатсевар халқини
буюк миллий байрам –
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
тўрт йиллиги билан чин қалбдан
муборакбод этиш шарафига муяссармиз.

Ифтихор ила қайд этамизки, ушбу тўрт йил
мобайнида биз ўз биродарларимиз – ўзбек
ҳамкасбларимиз билан қўлни қўлга бериб меҳнат
қилдик. Ишончимиз комилки, мамлакатингиз жуда
қисқа муддатда жаҳон бозорларидан муносиб ўрин
эгаллайди..

Ўзбекистоннинг барча фуқароларига тинчлик, бахт-
саодат, саломатлик ва ўз ватанларининг тараққиёти
йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

25 август 1995 йил

• *Мустақилликнинг тўрт йиллигига*

***Мустақиллигимизнинг тўрт йиллик байрами арафасида олий таълим тизимида юз берган ва бераётган ўзгаришларга бир назар ташлайдиган бўлсак, жуда катта ижобий ўзгаришларни кўрамиз. Олий таълим аввалги режали хўжалик системаси тизимидан халос бўлмоқда.***

# ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ



«Ўзбекистон Республикасида Олий таълим концепцияси»да кўрсатилганидек, энди ёшларнинг таълим олиши кўп босқичли бўлади. Энди давлат режаси асосида мутахассислар тайёрлашдан мутлақо воз кечилади. Мутахассисларни янги усулда тайёрлаш халқаро стандартларга мос келади. Сир эмас, ҳар бир буюк давлатни буюк қиладиган унинг етук мутахассис кадрлари, илм-фанни ривожлантирувчи олимларидир.

Ҳозирги даврда таълим олаётган талабалар — Ўзбекистон истиқболини юксак даражага кўтарувчи, ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширувчилардир. Уларни — Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш ва ўз соҳасининг чуқур билимдони, маънавий етук мутахассислари қилиб етиштириш барчамизнинг бурчимиздир. Президентимиз ўз маърузаларидан бирида «Бизнинг ўрта махсус ва олий мактабларимиз касб маҳорати ва маънавий-руҳий жиҳатдан комил инсонни яратиш учун ана шундай замонавий соҳаларда ишлайдиган ёшларни тайёрлашга қодирми? — деган саволларига ўзлари жавоб бериб, — Менимча, унчалик тайёр эмас, халқ таълими янгича шароитда ўз ишини ниҳоятда секинлик билан қайта қурмоқда», — деган сўзлари чуқур негизга эга.

Ҳақиқатан ҳам, олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар жуда секин кетаяпти. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 4 йил ичида олий таълим ислоҳотини чуқурлаштириш, янги ўқув тизимига ўтишдаги долзарб масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланди. Халқаро стандартларга мос таълим тизимига ўтиш ва халқаро талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш орзуси рўёбга чиқмоқда. Кўп поғонали таълим тизимига ўтишда талайгина олий ўқув юртларида муваффақиятли иш олиб борилаяпти.

Бу борада бизнинг техника университетида ҳам бир мунча амалий ишлар қилинди. Кўп босқичли таълим тизимига ўтишнинг деярли барча поғоналари фаолият кўрсатаяпти. Таълим жараёни узлуксиз давом этиб, болалар боғчасидан бошлаб то магистратурани битириш, фан номзоди ва фан доктори даражасигача бўлган жараённи ўз ичига олади. Университетимизда 3 йилдан бери республика лицей — интернати фаолият кўрсатмоқда. Унга барча вилоятлар мактабларидан 8-синфни битириб келган ўқувчиларни танлов асосида тест усули билан қабул қиламиз. Талабаларга ўрта мактаб дастуридан ташқари, информатика, чет тили, математика, физика ва бошқа табиий фанлар чуқур ўргатилади. 10-11 синф ўқувчиларининг 25-30 фоизи чет тилларида бемалол гаплаша олади. Лицейни битирган ўқувчиларнинг 90-95 фоизи олий ўқув юртларига тест орқали бемалол киришаяпти. Бу ҳам мустақиллик берган неъматдир.

Кейинги поғона деганда биз, университет қошида ташкил қилинган қизлар ва техника коллежини назарда тутамиз. Бу коллеж талабалари I-II— курсдан университетдаги йўналишлар бўйича ўқув режаси асосида ўқитилади. Уларга университет талабалари, профессор-ўқитувчилар дарс беришади.

Халқ таълими ва олий таълимни барча жабҳалар бўйича янгича асосларда ривожлантириш, уни қатъият билан қайта қуриш, таълимнинг барча тизимларига, бўғинларига ягона комплекс сифатида қараш кечиктириб бўлмайдиган ислоҳот муаммосидир.

Университетимизда 70 дан кўпроқ мутахассисликлар бўйича муҳандислар тайёрланади. Ҳозирги кунда бу мутахассисликлар 17 та йўналишга бўлинган ҳолда бакалаврлар тайёрлаш билан банд. Ҳар бир бакалаврликни тамомлаган талаба кейинчалик йўналишда кўрсатилган барча мутахассисликдан бирини эгаллаши мумкин. Агар зарурият туғилса, қисқа муддат ичида бошқа мутахассисликни ҳам ўзлаштириб олади. Ана шу аснода ўқув жараёнида талабалар билимини объектив баҳолаш мақсадида 2 йилдан бери рейтинг тизимини қўлламоқдамиз. Талабаларнинг барча фанлардан билимлари рейтинг асосида баҳоланмоқда. Бу нарса биринчидан, таълимдаги ҳаққонийликни таъминласа, иккинчидан, талаба эгаллаган билимни тўла аниқлайди ва ўқитувчиларни ўз устида ишлашга мажбур қилади. Бугина эмас, таълимнинг бу усули талабани ўқитувчига боғлаб қўймайди.

Маълумки, олий таълимнинг юқори поғонаси — магистратурадир. Бу поғонада илмий ва педагогик кадрларни тайёрлаш мўлжалланган. Сўнгги босқичга, яъни магистрларни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. У келажакда олий таълимни етакловчи ва бошқарувчи мутахассислар ўчоғидир. Истардикки, магистратура бошқа университетлар ва институтларда ҳам очилса. Унда ўқиш ҳуқуқини олган илми толиб ўзининг аниқ режасига эга бўлиши керак. У режани ўзини юборган ташкилот талабига мослаб тузиб, илмий раҳбар томонидан тўлдирилмоғи лозим. Шунда талаба ўз соҳасида бор ютуқларни ўзлаштириш учун нафақат ўзи таълим олаётган институт имкониятидан, шунингдек, шу соҳада республикада мавжуд барча илмий мутахассислар имкониятидан ҳам фойдаланади. Агар режада республикадан ташқаридаги шу соҳа институтларида тайёргарлик кўриш асосланган бўлса, магистрни ўша ерларга юбориш ҳам назарда тутилиши мумкин. Юқоридаги фикрлар изчил амалга оширилса, у давлат ёки олий таълим вазирлиги томонидан маълум ҳужжатлар билан тартиблаштирилса, магистратуранинг барча институтлар, академиялар билан узвий боғланиши ўз-ўзидан амалга ошади. Магистратура моҳият жиҳатдан ҳамкорликда ривожлантирилса, магистрларни тайёрлашда Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли илмий-тадқиқот институтлари ҳам бевосита қатнашса, айни муддао бўлур эди. Маълумки, университет ва институтларимизнинг лаборатория, ўқув ва илмий жиҳозлари Академиянинг илмий-текшириш институтларидан бир мунча орқада. Магистрларни тайёрлашда Академия институтларининг лаборатория ва илмий потенциалидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Сўнгги уч-тўрт йил ичида кўп чет эл университетларида, жумладан, Франциянинг Сорбон университетида бўлдим. Университет қошидаги илмий марказларни кўриб, уларни чуқур ўрганиб шундай хулосага келдим. Бизнинг Тошкент Давлат университети ва Тошкент Давлат техника университети қошида илмий институтлар — марказлар бўлиши, академиянинг илмий йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассисларни — магистрларни тайёрлашда ҳамкорлик қилишни кўриб чиқишимиз керак. Бундан ташқари шу йилнинг май-июль ойидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича, кўп филиал ва факультетларимиз мустақил олий ўқув юрти ва коллежларга айлантирилди. Уларни етук ва малакали кадрлар билан таъминлаш ҳам, менимча, Тошкент Давлат техника университети ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг зиммасида бўлиши зарур. Ўз йўналиши ва илм соҳалари бўйича ҳар бир академия аъзоси вилоятлардаги олий ўқув юртларининг мураббийси бўлиши, вақти-вақти билан ўқув жараёнида қатнашиши керак, деб биламиз.

Маълумки, Ўзбекистон Фанлар академиясида яқинда ўтган сайловдан сўнг академиклар сони 80 тага етди, мухбир аъзолар эса 87 дан ошди. Буларнинг барчаси олий таълим ислоҳотида бевосита, фаол қатнашишлари лозим. Биз мутахассис тайёрлаш деганда одатда унинг билим даражасини ҳисобга оламиз — маънавий-руҳий, мафкуравий тарбиясига унча аҳамият бермаймиз. Ваҳоланки, шахс зўр мутахассис бўла туриб, Ватанга садоқат муҳаббат руҳида тарбияланган бўлмаса, у мутахассисдан давлатимиз, халқимиз қандай фойда кўриши мумкин? Шуни ҳисобга олиб, машғулотлар жараёнида ҳар бир муаллимдан ахлоқий тарбиядан ҳам сабоқ бериб боришни талаб қилмоқдамиз. Аҳлоқий тарбия миллий таълимнинг негизи эканлигини унутмайлик. Ана шу муаммоларни назарда тутиб тарбиявий ишлар бўйича проректор тайинладик, ижтимоий фанларни эса алоҳида факультет сифатида ажратдик. Бу тадбирлар секин-аста ўз натижасини бера бошлади.

Хуллас, истиқлолимизнинг тўрт ёшга тўлишидан қувонган ҳолда олий таълимни олий талаблар даражасига кўтариш, иқтидорли ва талантли ёшларга кенг имкониятлар бериш, лицей ва магистратура таълимини такомиллаштириш, миллий-ахлоқий тарбияни кенг йўлга қўйиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Тўлқин МИРКОМИЛОВ,**
**Тошкент Давлат техника университети ректори,**
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.**

• *Таълим тизимида ислоҳот қандай бормоқда?*

# КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

***Бугун халқ таълимида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мактабларда ўқувчиларни янги дастурлар асосида ўқитишга киришиляпти. Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги ўқув масканларида таълимни ислоҳ қилиш жараёни қандай кечмоқда? Мухбиримиз туман халқ таълими бўлими мудири Малик АБДУАЛИМОВ билан суҳбатда бўлди.***

Туманимизда жами 33 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 32 минг 898 нафар ўқувчи билим олади. Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш ҳақидаги Низомига кўра мактабларимизда катта ўзгаришлар бўлаяпти. Айни кунда 4 та мактаб-гимназиянинг иккитаси лицейга айлантирилди. Мирзакалон Исмоилий номидаги 138-мактабда Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда академ синфлар ташкил этилди. Ўқитиш ишлари Тошкент иқтисодиёт университети қошидаги иқтисодиёт лицейи билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Махсус синфларда иқтисоднинг бошланғич назарий асослари, информатика ва хорижий тиллар ўргатилаяпти. Натижалар ёмон эмас. Бир неча мактаб кўп тармоқли бўлди. Бу ерда физика, математика, инглиз тили, 217-мактабда ЭҲМ, 188-мактабда химия ва тарих фанлари чуқур ўргатилмоқда. 90-мактаб иқтисод ҳамда тиббиёт фанларига ихтисослаштирилган.

Маълумки, инсон баркамоллиги унинг маънавий дунёси даражаси билан белгиланади. Яхши тарбия ва илм кишининг қимматбаҳо бойлиги бўлиб, у авваламбор уйдан бошланади. Аммо ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар жараёни давом этаётган бир пайтда шу куннинг ташвиши билан бўлиб аксарият ота-оналар фарзанди келажагини ўйламай қўйдилар. Кўп ҳолларда мактабни ярим йўлда ташлаб, тирикчилик йўлига ўтиб кетаётган болаларни ота-оналарнинг ўзлари қўллаб-қувватлашаяпти. Албатта, болага ёшликдан ҳунар ва пул топиш йўлларини ўргатган маъқул. Бола фақат ўқишини билсин демоқчи эмасман. Савдо-сотиқ, ишбилармонликнинг ҳуқуқий томонлари мактабдан ўргатилиши лозим. Шундагина бола иқтисоднинг оддий тушунчалари билан танишиб, боради, Яқинда ойнаи жаҳонда америкалик бир фермер ўқувчининг фаолияти кўрсатилди. У кун бўйи катта хўжалигини бошқариб, кечқурун ўқир экан. Бу ёш фермернинг дунёқараши шунчалик кенгки, кишининг ҳаваси келади.

Шарқона тарбияда фарзанднинг ҳар томонлама баркамол, жумладан савдо-сотиқда ҳам илмли бўлиши ҳақида «Қобуснома»да кўпгина ҳикоятлар келтириб ўтилган. Бозор иқтисодиётига ўтаётган бугунги кунимизда иқтисоднинг бошланғич асослари ёки тижорат асослари назарий ва амалий фан сифатида мактабларда ўқитилиши даркор. Чет эл мактабларида, хусусан АҚШда мазкур дарсликларни ўқитиш аллақачон татбиқ этилган.

Ҳозирги кунда ўқувчи-ёшлар орасида тез-тез содир бўлиб турадиган жиноятларнинг олдини олиш, тарбияси оғир ва ота-онасиз ўсмирлар билан ишлаш уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказиш биз педагогларнинг олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Халқимизда «Келажак бугундан бошланади», деган нақл бор. Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишлари учун янги машғулотлар дастури ишлаб чиқилган. Турли йўналишлар бўйича тўгараклар ташкил этилган. Рассомлик ва кулолчилик болаларнинг севимли машғулотларидир. Боғчаларимизда «Одобнома» дарси билан бир қаторда Амир Темур, Алишер Навоий, Улуғбек ва бошқа буюк тарихий шахсларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам дарслар ўқитилмоқда. Шунингдек, инглиз ва француз тиллари ҳам чуқур ўргатилаяпти. Ногирон болалар учун эса махсус боғчалар фаолият кўрсатиб келмоқда.

**Суҳбатни «Халқ сўзи» мухбири**
**Файзулло БОБО ДЎСТ ёзиб олди.**


Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз,

Унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!



"Тридцать Плюс" кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз.

"Тридцать Плюс" нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эпчилликни қайтариб, Сизни яшартиради.

*Харид қилиш масаласи бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:*

" АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" ФИРМАСИ:

*Тошкент, 700060,*
*Моварруннаҳр кўчаси, 19-уй.*
*Телефон: (3712) 32-01-48, 33-48-70*
*Телефакс: (3712) 33-84-71*
*ёки Тошкентдаги сотувчи ҳамкорлари:*
*"Ибн-Сино" дорихонаси:*
*(3712) 44-24-34, 40-44-83.*
*"Фармед" дорихонаси:*
*(3712) 47-98-90.*



"Тридцать Плюс" - ёшлик ва соғломлик демакдир.



Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги вилоят бизнес-мактаби қишлоқ ёшлари ҳисобидан 1995-1996 йили учун ўқувчиларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Бизнес-мактабда ўқувчилар амалий иқтисодиёт асослари, бухгалтерлик ҳисоби, маркетинг, банк ишидан билим оладилар.

*Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, 36-ҳунар-техника билим юрти.*
*Тел.: 45-85-55.*



ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ҚУРИЛИШ БАНК АКЦИЯЛАРИНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА

*Ўзсаноатқурилишбанк бошқаруви акциядорлар мажлисининг топшириғига кўра банкнинг номинал қиймати 1000 сўмлик бўлган янги эмиссиясини тайёрламоқда. Шу муносабат билан банк 1991-94 йилларда чиқарилган акция сертификатларини, сентябрь-ноябрь ойлари мобайнида муомаладан чиқариш учун сотиб олади ёки янгисига алмаштиради.*

**1995 йил 1 декабргача банкка топширилмаган акция сертификатлари бекор қилинади.**

*Акция сертификатлари сотиб олиш ва алмаштириш тартиби билан Ўзсаноатқурилишбанк бўлимларида танишиш мумкин.*

*Акция сертификатларини қабул қилиш акцияни сотиб олган банк бўлимларида амалга оширилади.*

*Тел.: 33-24-86, 33-05-71.*

**Ўзсаноатқурилишбанк бошқаруви.**


## СКРЕБНЕВ ВАСИЛИЙ СТЕПАНОВИЧ

Номи Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг бинокорлик саноати асосларини яратиш билан узвий боғлиқ бўлган СКРЕБНЕВ ВАСИЛИЙ СТЕПАНОВИЧ 84 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Скребнев В. С. ўз меҳнат фаолиятини 1927 йили 16 ёшли дурадгор ишчи сифатида бошлаб ҳукуматнинг йирик раҳбари даражасига кўтарилди. У ўзининг 60 йиллик умрини Тошкент шаҳри ва республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги самарадор фаолиятига бағишлади.

Қатор раҳбар лавозимларида, жумладан қурилиш вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг 2-чи котиби, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раиси муовини, Тошкент қурилиш бош бошқармаси бошлиғи, 1978-1985 йиллари — Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиш қўмитаси раиси бўлиб ишлаган.

25 йил мобайнида Республика Олий Совети депутати бўлиб сайланган.

У барча ишларда юқори масъулият, топшириқларни бажаришда ижодий ёндошиш билан ажралиб турар эди. Василий Степанович 1966-1968 йиллари зилзиладан талофат кўрган Тошкент шаҳрини қайта тиклашда, йирик меъморий бино ва иншоотларни қуришда жонбозлик кўрсатди.

У ўзи ишлаган жамоанинг фаол аъзоси, ундаги одамийлик, меҳрибонлик ва келажакка бўлган умидворлик чексиз, шунинг учун унга бўлган ҳурмат — обрў юқори эди.

Республика олдидаги хизматлари учун Василий Степанович иккита Меҳнат Қизил Байроқ, иккита «Ҳурмат белгиси» орденлари, Ватан уруши давридаги фидокорона меҳнати учун медали, Олий Совет Президиумининг 8 та Фахрий ёрлиғи ва бошқа мукофотлар билан тақдирланган, унга республикада хизмат кўрсатган қурувчи ва давлат мукофоти лауреати унвонлари берилган.

Василий Степанович Скребневнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

**Бир гуруҳ дўстлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девон ходими М. Ражабовга рафиқаси

**Ксения РАЖАБОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон телевидениеси жамоаси қишлоқ хўжалик кўрсатувлар таҳририятининг собиқ Бош муҳаррири, меҳнат фахрийси

**Музаффар АБЗАЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — А. Абдураҳмонов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0351. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 1 2 3 4 5 6

Босишга топширилди — 20.10.